

## ТАНГЛИКДАН ТЕНГЛИККАЧА

И. Жўраев

ФарДУ англиз тили кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7423842>

**Аннотация.** Мақолада жамият тараққиётининг турли босқичлари асосида аёлнинг оила ва жамиятдаги ўрни, мавқеи ҳамда унга нисбатан муносабатларнинг тадрижий тараққиёти таҳлилга тортилган.

**Калим сўзлар:** Тарихий воқелик, шахс тарбияси, маиший турмуш, оилавий муҳит, ижтимоий ҳаёт, маънавий-ахлоқий етуклик, оила ва жамият.

## ОТ ТРУДНОСТЕЙ К РАВЕНСТВУ

**Аннотация.** В статье анализируются роль и положение женщин в семье и обществе, а также постепенное развитие отношений с ними, исходя из различных этапов развития общества.

**Ключевые слова:** Историческая действительность, воспитание личности, семейная жизнь, семейное окружение, общественная жизнь, духовно-нравственная зрелость, семья и общество.

## FROM HARDSHIP TO EQUALITY

**Abstract.** The article analyzes the role and status of women in the family and society, as well as the gradual development of relations with them, based on various stages of the development of society.

**Keywords:** Historical reality, personal education, domestic life, family environment, social life, spiritual and moral maturity, family and society.

Қадимги дунё тарихини кўз олдимизга келтирсак, файласуфлар-у нотиклар, шоирлар-у драматурглар, театр актёрлари, саркардалар-у сиёсий етакчиларнинг аксарияти эркаклар эканига гувоҳ бўламиз. Бир замонлар энг ривож топган, маданиялашган ва илк демократик ғоялар куртак чиқарган шаҳар ва давлатларда ижтимоий-сиёсий фаолият билан шуғулланган аёллар бўлмаганми, умуман, аёлнинг маиший ҳамда ижтимоий ҳаётда ўрни қандай эди?

Албатта, қадим даврлардан аёл ўз тақдирида рўй берадиган эврилиш ва ўзгаришларни асрлар давомида интиқлик билан кутган. Инсоний сифат, ижодий қобилиятларини юзага чиқариш у ёқда турсин, ўзлигини намоён қилиш учун ҳам ҳеч қандай имкон берилмаган. Жамиятда аёлнинг ўрни йўқлиги ва унга нисбатан шафқатсиз чекловларнинг мавжудлиги сабабли қадим тарихда аёл арбобларни деярли учратмаймиз. Мазкур масалани холис ўрганиш учун қадимги тарихга, ўша даврларда эътиборли саналган ижтимоий-сиёсий тузумларнинг ҳолатига қиёсий кўз ташласак, фойдадан ҳоли бўлмайди.

Қадимги римликлар одатига кўра, отада ўғил-қиз фарзандни оилага қабул қилиш мажбурияти йўқ эди. Гўдак туғилгач, ота оёғи остига кўйилар, агар уни кучоғига олса, демак бола қолдирилди, йўқса, қабул қилинмагани тушунилади эди. Инкор этилган чақалоқ умумий жамоат жойларига ёки бут-санамлар ёнига ташлаб кетиларди. Бола ўғил бўлса, уни кимдир олиб кетарди, қиз бола очлик ва сувсизликдан бутлар пойида ҳалок бўларди. Оилада онанинг ўрни йўқ, ота эса болаларидан хоҳлаганини сотар, хоҳлаганини уйдан ҳайдар эди. Қадимги Римда фақат эркак киши мамлакат фуқароси саналарди.

Қадимги Ҳиндистонда ҳам аёл эркисиз чўри эди. Эри ўлган хотин ҳам майит билан биргаликда тириклайин ёқиларди. Бу одат XVII асрларгача давом этди. Ҳиндлар “тангри”ларни хушнуд этиш, ёмғир ва ризқ сўраш учун аёлларни қурбон қилишарди. Машхур ҳинд ҳуқуқшуноси Монре Рой бундай ёзган эди: “Аёл асло мустақил бўлмаслиги керак. Хоҳ бева, хоҳ ёш, хоҳ қари бўлсин, уйда эркин ҳаракат қилмасин. Хотинларнинг қурбонлик аталиши, рўза тутиши гуноҳдир. Унинг вазифаси фақат эри ўлса, иккинчи эр қилмаслик, у билан бирга гулханда ёнишдир”.

Буддизм динига асос солган Будда ҳам илк даврларда аёлни динига қабул қилмаган. Аммо кейинроқ амакисининг ўғли Ананданинг қайта-қайта илтимосига кўра аёлларни динига қабул қила бошлаган ва “Агар аёлларни динимга қабул қилмасайдим, буддизим кўп узоқ замонлар бузилмай давом этарди. Бугун бу диннинг узоқ яшашига кўзим етмайди. Чунки бу динга аёл ҳам кирган”, деган эди.

Қадимги Мисрда эса Фиръавнлар даврида сингил билан оила қуриш урф эди. Фиръавнлар бошқалар билан тахт талашмаслик учун кўпинча сингилларига уйланишарди. Миср халқи ҳам фиръавнларга тақлидан, мерос ўзгаларга ўтиб қолмасин, деб сингилларини жуфтликка оларди.

Қадимги Бобилда қирол Ҳамурапи томонидан тузилган ва “Ҳамурапи қонунлари” дея машхур бўлган қонунда аёл уй ҳайвони қаторига қўйилган. Ҳатто биров бир одамнинг қизини ўлдирса, у ҳам қизини бошқага топширар эди. Қабул қилган киши уни ўз моли каби ишлатар, хоҳласа, ўлдирар эди.

Қадимги Эронда ҳам мажусий зардуштлар даврида сингил билан она қонқариндошлигининг эътибори, ҳурмати йўқ эди. Йигитлар сингилларига уйланаверишар, боз устига, бу ишни тарғиб-ташвиқ қилишар эди.

Қадимги хитойликларнинг қарашлари яна ҳам аянчлироқ, дейиш мумкин. Улар аёлни тўлақонли инсон ҳисоблашмасди. Қиз туғилса, унга хатто исм қўйишмас, рақамлашар ва шу сонлар билан “бир”, “икки”, “уч” деб чақиришар эди.

Яхудийликда эса аёл давомли гуноҳ қилишга мойил жонзот деб қаралади. Аёл йўлдан урадиган бутдир, деган қараш устувор бўлган. Бунинг исботи тариқасида Одам Ато билан Момо Ҳавво ҳақидаги ривоятни дастак қилишар эди. Яъни Одам Тангрига итоат этгани учун жаннатда маъсуд холда яшарди, фақат хотини Ҳавво тақиқланган мевани ейишга ундади, кўндирди ва жаннатдан чиқарди. Шундан келиб чиқиб, улар аёлни лаънатланган деб қарашар эди.

Қадимги яхудий жамоаларида қиз хизматкор саналган. Отаси уни сотиш ҳуқуқига эга эди. Меросхўрлик ҳуқуқидан маҳрум, фақат оилада ўғил бўлмасагина қизга мерос тегарди. Яхудийлар ҳар бир тонгги дуосида бундай дерди: “Азалий илоҳимиз, коинотнинг подшоҳи, мени аёл қилиб яратмаганинг учун Сенга ҳамд-у санолар бўлсин!”

Юнон олим ва ижодкорларининг фикрларига назар ташлаймиз. Антик даврда аёлларнинг жуда оз қисми ўқиш ва ёзишни билгани боис улар ҳақидаги маълумотларни асосан эркаклар берган маълумотлардан билишимиз мумкин. Таъкидлаш ўринлики, ушбу маълумотларни холис деб бўлмайди.

Аристотелнинг фикрига кўра “Табиатан эркак аёлдан устундир, демак эркаклар бошқариши, аёллар эса уларга бўйсунилари лозим”.

Бу борада Демосфен қуйидагича хулосага келади: “Биз гетераларни лаззат олиш учун, чўриларни кундалик юмушларни бажариш учун, хотинларимизни эса бизга қонуний фарзанд туғиб беришлари ва уйимизнинг бекаси бўлишлари учун сақлаймиз”. “Аёлга ёзишни ўргатган эркак шуни билиб қўйсинки, у илон захрини янада ўткирлаштирибди”.

Юнон драмасининг афсонаси Эврипиднинг фикрлари эса бизни янада хайратлантиради дейиш мумкин: У аёлни “Дунё нафратланадиган жонзот, унинг захри эса илонлар захридан-да ёмонроқ ва бедаводир”, дейди.

Гиперид ёзади “Аёл ўз уйдан ташқарига чиқа олиши учун шу қадар кекса бўлиши керакки, токи одамлар бу кимнинг онаси? деб сўрасинлар, “бу кимнинг хотини?” деб эмас”.

Бу борада Платоннинг фикрлари ғоятда қимматли. Унинг ёзганлари худди бугун айтилаётгандек янграйди : “Фуқароларимиз орасида аёллар ва болалар яхшилик манбаидир”.

“Эркаклар ва аёллар муштарак ҳаёт тарзига эга бўлишлари, яъни бир хилда таълим олишлари ва фарзандли бўлишлари керак. Улар биргаликда ким шаҳарда яшаётгани-ю ким урушга кетаётганидан хабардор бўлишлари, овчи итлардек биргаликда ов қилишлари зарур. Ахир аёлларнинг қобилиятлари доимо ва барча нарсада эркакларники билан баробар эмасми? Агар шундай қилсалар, улар энг яхши ишни бажарган бўладилар ва жинслар ўртасидаги табиий мутаносибликни сақлайдилар”.

Яхудийлик, насронийлик ва кейинчалик ислом диний таълимотида аёлнинг вужудга келиши иккиламчи ўринга туширилса, яъни унинг эркакнинг чап қовурғасидан яралгани назарда тутилса, биринчи икки динда аёл одамнинг жаннатдан қувилишига сабаб бўлган (яъни, Момо Ҳаво Одам Атони тақиқланган дарахт мевасидан татиб қўришга ундаган ) деб айтилса, юнонлар буни бошқачароқ тасаввур қилганлар. “Юнон ривоятларига кўра одамлар Прометей ёрдамида олов ҳосил қилишни ўрганиб олгач, биринчи аёл уларни жазолаш учун яратилган. Эркакларнинг қандай ва нимадан яратилгани эсланмайди, бироқ Зевснинг буйруғи ва бир қанча илоҳ ва илоҳаларнинг хиссаси (уларни аёлнинг у ёки бу хусусиятини пайдо қилади) билан тупроқ ва сувдан Гефестни бунёд қилади. Унинг ташқи кўриниши эркакни ақлдан оздирар даражада гўзал, бироқ ички олами, яъни, унинг ҳақиқий шахсияти эркакларга азоб беришгагина ярайди. Унинг сеҳрли қутисида барча ёмонликларнинг уруғлари жамланган”.

Юқоридаги фикрлар ва мифологик қарашлар шуни кўрсатадики, қадимги диний-мифологик қарашларга суянган ҳолда эркаклар аёлларни жамиятдан узоқда тутишга ҳаракат қиладилар ва уларга фавқулодда назоратга муҳтож мавжудот сифатида қарайдилар. Бу эса ўз навбатида фан, адабиёт ва бошқа соҳаларда аёл ижодкорлар тарихида кам учрашининг асосий сабаби дейиш мумкин. Бироқ бу қараш нисбий бўлиб юнон аёллари орасида машҳур гетераларнинг бўлгани ва улар ўзларининг шеър, кўшиқ, ва рақсга бўлган қобилиятлари билан бир неча эркакларга хизмат қилгани ҳам рост. Гап шундаки, бизнинг фикримизча, бир гуруҳ юнон ижодкор аёллари ўз ижодий намуналари билан шоир ёки ёзувчиликка даъвогарлик қилар даражада ҳақ-хуқуққа эга бўлмагани учун ҳам бу қобилиятларини фақат эркакларнинг кўнглини овлаш ва уларга илҳом бериш учунгина йўналтирганлар ва бунинг эвазига маълум даражада ҳақ ҳам олганлар. Чунки

қадимги юнонлар қул фоҳишалардан фарқли равишда гетера хилидаги аслзода аёлларни мустақил ва шарафли касб эгалари деб ҳисоблашса-да, гетералар фуқаро саналмас эди.

Кўринадики, қадимги жамиятларда аёлнинг нафақат ижтимоий-сиёсий ҳаётда, балки оилада ҳам мустақкам ўрни, ҳақ-ҳуқуқи бўлмаган. Бугун гендер тенглик ғояси дунё бўйлаб қулоч ёзаётган кунларга етиб келиш учун минг йилликлар керак бўлган.

## REFERENCES

1. Мифы народов мира. 2 томах. Т.2. – М.: 1988.
2. Кунн Н.А. Қадимги юнон афсона ва ривоятлари. – Т.: 2014.
3. Брагинский И.С. Из истории таджикской народной поэзии. М.: Издательство Академии наук, 1956.
4. Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Т.: Фан, 1986.
5. Рабғузий. Қисаси Рабғузий. Биринчи китоб. – Т.: Ёзувчи, 1990.
6. Jurayev, I.M. (2022). Social and living factors of personal crisis. European Multidisciplinary Journal Of Modern Science, Special Issue: Use of Modern Innovation on Integrated Research
7. Jurayev, I.M. (2022). Old views of family and social relations.
8. European Journal of Humanities and Educational Advancements, (Vol. 3 No. 03, pp.276-278).
9. Juraev, I.M. (2022). Expression of neighborliness and social relations in folk proverbs. Scientific Bulletin of NamSU, (5), 640-643.
10. Jurayev, I.M. (2020). Ferdowsi And Uzbek Literature: Household And Social Issues. ACADEMICIA An International Multidisciplinary Research Journal, (Vol. 10, Issue 11, pp. 1345-1349).
11. Жўраев, И. (2022). Маиший муаммолар ибтидоси. “Issues Of Philological Education: Problem Issues And Their Innovative Solutions” Collection Of Materials Of The International Conference,(1), 282-284.
12. Жўраев, И., Жўраев, Ҳ. (2022). Оила қисмати ва жамият тақдири. “Issues Of Philological Education: Problem Issues And Their Innovative Solutions” Collection Of Materials Of The International Conference,(1), 163-165.